



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 17 декабрь, № 260 (8883)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Аҳоли даромадларини оширишда банкларнинг иштироки кенгайтирилади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабрь куни банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги йилларда банклар фаолияти маҳаллагача туширилгани ўз натижасини берапти. Хусусан, Наманган вилоятининг Ўйчи туманида банклар 3 минг 200 та фаол миқоз билан ишлаб, уларга ёрдам бергани учун 9 минг одам доимий ишли бўлди. Камбағаллар сони 6 мингга камайди.

Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманидаги 3 минг 200 та хонадонда лойиҳалар ишга туширилди, 12 минг одам ўз томорқасида даромад топишни ўрганди.

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида 13 минг 500, Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида 28 минг иш ўрни яратилди. Буларнинг ҳисобига қўшимча 10 мингдан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Умуман, мазкур 4 та туман — Ўйчи, Сайхунбод, Зарбдор ва Гиждувон тажрибалари доирасида йил бошидан бунён 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлган. Жами расман банд бўлганлар илк бор 10 миллион 500 минг нафарга етган.

Бундан ташқари, Хўжайли, Аска, Вобкент, Булунгур, Янгиер, Қўштепа, Шовот каби 57 та туманда ишсизлик 5 фоздан пасайган.

Марказий банк ва жойлардаги банклар бу ижобий тажрибаларни кенгайтириб, халққа мадад бўлиши зарурлиги таъкидланди. — 2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва халққулувчи йил бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда шу борадаги янги имкониятлар ва режалар кўриб чиқилди.

Охириги 6 йилда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 750 минг аҳоли кредитини вақтида қайтариб, даромадли бизнесга эга бўлган. Улардан 58 мингга янги корхона ҳам очган. Энди банклар мана шундай синовдан ўтган миқозларини қўллаб-қувватлаб, кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиши зарур.

Шу боис уларга “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида шартсиз 300 миллион сўм кредит берилди. Бу орқали келгуси йилларда 1,5 миллион аҳоли ишли бўлади.

Илгари банклар оилавий тадбиркорлик дастурларига маблағни фақат давлатдан олган. Халқ банки ташаббус кўрсатиб, Осиё тараққиёт банки билан “Молиявий оммаболик” дастури доирасида 50 миллион сўмгача ортиқча хужжат ва гаровсиз кредит берапти. Ушбу намуна асосида келгуси йил 9 та давлат банки 1 миллиард доллар кредит бериб, 250 минг аҳолини даромадли қилиши мумкинлиги айтилди.

Фаол тадбиркорлар иштирокида 27 та туманда очилган кооперациялар яхши самара берапти. Келаси йил 30 та туманда балиқчилик, қўвчилик, чорвачилик ва асаларичилик бўйича шундай кооперациялар ташкил қилинади. Бунга 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Хам инвестиция олиб келадиган, ҳам кўп иш ўрни яратадиган стартап лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Бунинг учун давлат банклари венчур компания түзиб, маҳалла стартапларига ўз маблағидан ҳам 50 миллион доллар ажратади. Хар бир банк хусусий шерик топиб, стартапларни бизнесга айлантирадиган акселераторлар очади.

Йиғилишда оғир туманларда ишсизликни камайтириш масаласига алоҳида ёндашилди. Уларга бошқа ҳудудлардан тажрибали тадбиркорлар жалб қилиниб, лойиҳалари учун енгил кредитлар ҳамда инфратузилмасига қўшимча маблағ ажратилади. Бу 1 миллион 300 минг аҳолини даромадли қилиш имконини беради.

Давлат инфратузилма қилиб берса, тадбиркорлар қўшимча 31 триллион сўмлик 3,5 мингта лойиҳа ва 200 мингта янги иш

ўрни ташкил этиш ташаббусини билдирган. Келгуси йилда ушбу лойиҳалар инфратузилмасига 1 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Яна бир таҳлил: 85 минг гектар ерда кам даромадли экин экилгани сабабли самардорлик пастлигича қолмоқда. Шу боис бундай ерлар йирик контурга бирлаштирилиб, етакчи тадбиркорларга иккиламчи ижарага берилди. Ер эгасига ижара ҳақи ва маҳсулотни сотишдан улуш тўланади. Экин экмаган аҳолига ерини бошқасига иккиламчи ижарага бериш ҳақида мажбурий талабнома киритилади. Келаси йил тақсимланганидан 100 минг гектар ер ҳам шу тартибда ажратилади.

60 та илғор шаҳар-туман ишсизлик ва камбағалликдан холи бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун келгуси йилда улардаги 2 миллион аҳолини банд қилиб, 417 мингта оилани камбағалликдан олиб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бу мақсадларга эришиш учун банклар молиявий мустаҳкам бўлиши керак. Шу боис фақат давлат берадиган пулга боғланиб қолмасдан, ташки манбалардан 6 миллиард доллар жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, келаси йили аҳоли омонатларини 11 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ҳуқуқий асос яратилгани боис бу йил 5,5 триллион сўмлик микромолия ва факторинг хизматлари кўрсатилган. Бу асосдан фойдаланиб, энди давлат банклари ҳам ўзининг микромолия ва факторинг компаниясини очиши, унга хорижий инвесторларни жалб қилиши мумкин.

Йиғилишда банклар олдидаги муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Масалан, банклар балансида 3 мингта

харакатсиз мулк бор. Улар сотилса, қўшимча ресурс ва 150 мингта иш ўрни учун захира пайдо бўлади. Шу боис банкларга харакатсиз мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилиши белгиланди.

Кредит қарзи ҳисобидан гаровни суд орқали ундиришга ҳам кўп вақт сарфланмоқда. Шунинг учун бу борадаги қонунчиликни ўзгартириш, унда гаровга нисбатан банк ҳуқуқлари устуворлигини ҳамда ундирувга қаратилган мулклар тезроқ сотилишини назарда тутиш зарурлиги айтилди.

Ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда мувофиқ ишлаш тизими кўрсатиб ўтилди. Бунда туман ҳокимлари лойиҳани жой ва инфратузилма билан таъминлаш мажбуриятини олади, банклар эса тадбиркорлар лойиҳаларига қўмаклашади, муаммоси бўлса, ҳал этади, ишсизларни бизнесга жалб қилади.

Шу мақсадда маҳалла банкирлари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Улар маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганади, одамларнинг гоялари ва қобилиятини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолига молиявий тартибларни, маҳсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Умуман, ҳақон иқтисодиётидаги бугунги мураккаб шароитда молия-банк тизимининг барча даражасида молиявий интизом ва шахсий маъсулиятни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳокимлар ва банк раҳбарлари 2025 йилда 5 миллиондан зиёд аҳолини даромадли қилиш, 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ҳисоб-китобларини тақдим этди. Мулоқотда ҳудудлардаги ижобий тажрибалар, мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилди.

САЙЁҲЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ БАРПО ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қурилиши мўлжалланган халқаро туризм маркази тақдироти билан танишди.

Дунё билан алоқалар кенгайиб, инфратузилма ривожлангани сари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ҳам ошмоқда. Шундай жозибадор масканлардан бири, шубҳасиз, Бўстонлиқ тумани. Чорвоқ сув омбори ва дарёлари, қорли тоғлари, хушманзара дарактзорлари боис бу ерда йилнинг барча фаслида мароқли ҳордик чиқариш мумкин.

Давлатимиз эътибори билан сўнгги йилларда Бўстонлиқда қўллаб-қувватлаш янги мажмуалар барпо этилди, “Амирсой”, “Белдирсой — Чимён — Нанай” курорти каби лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги беш йилда 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан зиёд ўринларга эга 59 та янги туризм иншооти ишга туширилди.

Бундай натижаларни чет эллик инвесторларни ўзига тортмоқда, янада катта миқёсдаги лойиҳаларга йўл очмоқда. Жумладан, озарбайжонлик ишбилармон Эмин Агаларов бир қатор йирик хорижий компаниялар билан шериклиқда Чорвоқ сув омбори бўйида

“Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм маркази барпо этиш истагини билдирмоқда.

Лойиҳага кўра марказда дам олиш, чўмилиш ва спорт масканлари, меҳмонхоналар, коттежлар, тураржойлар бўлади. Халқаро брендларнинг дўконлари, ресторан ва хизмат шохобчалари очилади. Турли фестиваллар, концертлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилади. Икки қирғоқ ўртасида кўприк қурилиб, келувчиларга қўлайлик оширилади. Келажакда мазкур марказ ўзига хос туризм хабига айланиб, унда йил давомида дам олиш ва яшаш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу тақдироти маъқуллаб, уни халқаро тажриба асосида лойиҳалаштириш ва босқичма-босқич қуриш зарурлигини таъкидлади. Бош вазир бошчилигида комиссия түзиб, лойиҳанинг ҳуқуқий асосини яратиш, инфратузилма масалаларини ҳал этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Кутбиддин Бурҳонов бошчилигидаги делегация Остона шаҳрида Қозоғистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижросини мониторинг қилиш бўйича парламент комиссиясининг “Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш: парламентлар ва маҳаллий вакиллик органларининг роли” мавзусидаги кенгайтирилган мажлисида иштирок этди.

■ Хамкорлик

Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, эксперт ва мутахассислар қатнашган тадбирда мингтақа мамлакатларининг барқарор ривожланишини таъминлашда парламентлар ва маҳаллий вакиллик органларининг ўрни муҳокима қилинди.

Тадбирда Ўзбекистонда

Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари ижроси, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясининг фаоллик кўрсатаётганига урғу берилди.



ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз раислигида 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилган чора-тадбирларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари раислигида шу куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда белгиланган устувор вазифалар ҳақида ҳам сўз борди.

Илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда фракциялар аъзолари барча йўналишда янада фаоллик кўрсатиш, аҳоли билан мунтазам ишлаш, соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни белгиланган олишди.

Шундан сўнг йиғилишларда қуйи

палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Масофали видео-учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида жазони ижро этиш



муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун масофали видеоучрашувлар ўтказиш имкониятини яратишга қаратилган қонун лойиҳаси аффоршга кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жамиятдан ажралиб қолишининг олдини олиш, қайта жиноят содир қилиниши ҳолатларини камайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жазони ижро этиш фаолиятига татбиқ қилиш мақсадида



АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мамлакатимиз авиация соҳасидаги компанияларда йилдан-йилга ўсиш кузатишмоқда. Хусусан:

● “Uzbekistan Airways” АЖ тизимида авиақатновлар 25 фозиз кўпайди;

● маҳаллий йўналишларда самолётлар сони ортиб, ички қатновлар 2,5 баробар ошди.

● Марказий Осиёдаги халқаро ташувларда миллий авиация тармоғи улуши 20 фозизга етди. Йиллик йўловчи ташиш кўрсаткичи 6 миллион нафардан ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, “Uzbekistan Airports” АЖ самолётларга, юк ташиш бўйича ва йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Дунё мамлакатларининг 44 та авиакомпанияси юртимизга парвозни амалга оширмоқда.



Факт ва рақамлар

ЎЗБЕКИСТОН ЧАРМ САНОАТИНИНГ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАРИ:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Юртимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилинди. Бу қарор мамлакатнинг экологик стратегиясини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётнинг барқарор ва ижобий ривожланишини таъминлашга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистоннинг экологик ҳолати ва табиати муҳофаза қилиш масалаларига эътиборнинг кўпайгани мамлакатда “яшил” иқтисодиётга бўлган эҳтиёжнинг янада ошганини кўрсатади. 2025 йилда мазкур мавзу-

ларга катта эътибор қаратилади ва бу атроф-муҳитга эътиборни кучайтириш, ресурсларни тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтиришга қаратилган тадбирларни назарда тутади.



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ РОЛИ

Иштирокчилар Ўзбекистон БРМга эришиш йўлида катта ютуқларга эришадиганини эътироф этиб, минтақавий ҳамда халқаро даражада ҳамкорликни янада ривожлантиришда, глобал устуворликларни миллий кун тартибига интеграциялашда намуна бўлаётганини таъкидлади.

Мажлис доирасида иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги, чўлланиш каби экологик таҳдидларга, шунингдек, сув ва энергетика хавфсизлиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Иштирокчилар уларни ҳал этишда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Мажлис якунида минтақа мамлакатларининг ҳамжиҳатлигида, кенг қамровли ва мувозанатли ривожланишига эришиш учун парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Жараён

СЕНАТОРЛАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда бир гуруҳ талабалари билан учрашув ўтказди.

Иштирокчиларга юртимизда ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ва уларнинг самаралари, Сенат фаолиятидаги янгилликлар ва Ёшлар парламенти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш, аёллар ҳуқуқларини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотларининг саяё-ҳаракатлари юзасидан фикр алмашилди. Ўз навбатида, талабалар томонидан ҳам қатор муҳим ташаббус ва тақдирлар илгари сурилди.

Учрашувдан сўнг ёшлар Сенат биноси ва фаолияти билан танишди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Ишни судга қадар юретишда тарафлар тенглиги кафолатланади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар кун тартибига киритилган қатор қонун лойиҳаларини таъкидлашчи, лойиҳа маҳкумларга телефон орқали сузлашиш билан бирга, тегишли жазони ижро этиш муассасаларининг турига биноан жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда уларнинг хоҳиши асосида масофали видеоурашув хизматларидан фойдаланиш имкониятини ҳам яратди. Шу билан бирга, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг масофали видеоурашув йўли орқали уларнинг оила аъзолари ва яқинлари билан доимий алоқаларини таъминлаш оилавий муносабатларини сақлаб қолиш, шунингдек, тузалиш йўлига ўтишига кўмаклашишга хизмат қилади.

Муҳокама қилинган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Мехнат кодексига иш жараёндарида таъйин ва ўзравонликлари тақиқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, таъйин ва ўзравонликдан жабрланганларга ва фарзанди туғилиши муносабати билан эркакларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил беришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Мадина Баратова қонун лойиҳаси юзасидан фикрларини билдириб, унда назарда тутилган нормалар бўйича тақдир ва тавсияларини берди. Депутат ушбу қонун лойиҳаси таъйин ва ўзравонликларнинг олдини олиш ҳамда эркаклар ўз касбий ва оилавий мажбуриятларини ўйин тарзда амалга ошириши учун шароит яратишга хизмат қилишини таъкидлади.

Қўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ишни судга қадар юретишда тарафлар тенглиги кафолатланади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар кун тартибига киритилган қатор қонун лойиҳаларини таъкидлашчи, лойиҳа маҳкумларга телефон орқали сузлашиш билан бирга, тегишли жазони ижро этиш муассасаларининг турига биноан жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда уларнинг хоҳиши асосида масофали видеоурашув хизматларидан фойдаланиш имкониятини ҳам яратди. Шу билан бирга, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг масофали видеоурашув йўли орқали уларнинг оила аъзолари ва яқинлари билан доимий алоқаларини таъминлаш оилавий муносабатларини сақлаб қолиш, шунингдек, тузалиш йўлига ўтишига кўмаклашишга хизмат қилади.

Муҳокама қилинган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Мехнат кодексига иш жараёндарида таъйин ва ўзравонликлари тақиқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, таъйин ва ўзравонликдан жабрланганларга ва фарзанди туғилиши муносабати билан эркакларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил беришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Мадина Баратова қонун лойиҳаси юзасидан фикрларини билдириб, унда назарда тутилган нормалар бўйича тақдир ва тавсияларини берди. Депутат ушбу қонун лойиҳаси таъйин ва ўзравонликларнинг олдини олиш ҳамда эркаклар ўз касбий ва оилавий мажбуриятларини ўйин тарзда амалга ошириши учун шароит яратишга хизмат қилишини таъкидлади.

Қўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Айрим нормалар янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштирилмоқда

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Судларнинг фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг одил судловга ишончини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция билан суд органларининг фаолиятига, шунингдек, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган қатор кафолатлар белгиланди. Олий судга ҳамда унинг ваколатларига тааллуқли янги нормалар назарда тутилди. Бу эса Олий суд фаолиятини ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш заруратини талаб этмоқда.



Ушбу қонун лойиҳаси билан “Судлар тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунлар нормалари Бош қомусимизга мувофиқлаштирилляпти.

Шунингдек, қонун лойиҳаси судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан чет-лаштиришга ёки унинг ваколатларини тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга қўри йўл қилинишига доир норма билан тўлдирилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Асосий Қонуниимизнинг суэсиз ва тўлиқ ижрога қаратилишини, одил судловни амалга оширишга унинг нормалари тўғридан-тўғри қўлланилишини ҳамда давлат органлари фаолияти янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйилишини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Мехнат кодексига ўзгартиришлар киритилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан Мехнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан меҳнат жараёнидаги таъйин ва ўзравонликлари ҳамда ушбу ҳолатлар юзасидан қўрилган чораларни идоравий одоб-ахлоқ комиссиясида ёки касабда уюшмаси вакили иштирокида муҳокама этиш иш бевуқининг мажбурияти сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, ишлаётган эркаклар фарзандли бўлганда турмуш ўртоғига ёрдам бериш ва бошқа фарзандларига қараб туриши учун қисқа муддатли (5 календарь кундан иборат) таътилга чиқиши билан боғлиқ меъёрлар тақдир этилмоқда.

Депутатлар лойиҳа юзасидан ўз саволлари, фикр ва тақдирларини билдирди. Хусусан, фракция аъзоси Зулайхо Ақромова лойиҳада янги фарзанд қўрган оталар учун 5 кунлик таътил муддати белгиланиши ва ҳодимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши назарда тутилаётганини таъкидлаб, бу меъёрлар қайси қонунчиликка асослангани, ушбу амалиёт ҳусусий секторда фаолият олиб боровчилар учун қай тартибда жорий этилиши юзасидан мутасаддиларга юзланди.

Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Лазиз Қаримов ушбу масала узоқ ўранилгани ва меъёрлар халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда белгиланганини қайд этди. Яъни мазкур амалиёт 90 та давлатда жорий этилган бўлиб, аксариятида “оталик таътили” 5 кун этиб белгиланган, айримларида эса иш ҳақини тўлаш тартиби мавжуд эмас. Ўртача иш ҳақининг сақланиб қолиши эса ҳодимнинг меҳнатидан фойдаланилмаслиги, аммо унга пул берилиши билан изоҳланди.

Масъуллар томонидан ҳусусий секторда ушбу амалиёт таътил этилиши назарда тутилмагани, бироқ бу бўйича бошқа қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани ва унда ҳусусий секторни қамраб олиш масаласи қўрилаётгани таъкидланди.

Фракция аъзолари оиланинг ижтимоий ҳолати ҳамда она ва боланинг соғлиғидан келиб чиқиб ўзгартириш

ҳақида ўйлаб қўриш мақсадга мувофиқ эканини билдирди. Шу маънода, отаниннг аризаси ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, 5 кун деган қатъий меъёр ўрнига 5 кундан кам бўлмаган таътил белгилаш тақдир берилади.

Муҳокамадан сўнг, лойиҳа фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Таъйин ва ўзравонликларнинг олди олинади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Айтилганидек, қонунчиликда меҳнат жараёнида бошқа ҳодимга нисбатан жисмоний, руҳий, иқтисодий таъсир ўтказиб таъйин ва ўзравонлик содир этиш ёки бўндай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимояланадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига таъвоуз ўлароқ баҳоланадиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) тақдирлини аниқ белгиланмаган.

Иш жойларида таъйин ва ўзравонликлари аниқлаш, уни содир этган шахсларга тегишли чоралар қўллаш, жабрланган шахсларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича қонуний асос мавжуд эмаслиги боис салбий ҳолатлар учраб туради.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан меҳнат жараёндарида таъйин ва ўзравонликлари олдини олиш, бундан жабрланган шахсларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларида халқаро стандартларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, оилавий (маиший) ўзравонликдан жабрланган шахслар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари рўйхатида киритилиб, давлат томонидан уларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар таъминланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида ижтимоий таътилла билан боғлиқ, яъни таъйин ва ўзравонликдан жабрланган, ҳимоя ордерида фойдаланган ҳодимга асосий меҳнат таътили билан биргаликда ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилишига оид нормалар киритилляпти.

Муҳокама жараёнида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини тақдирлашга етказиш бўйича тақдир ва тавсиялар берилиб, у қонунчилик ҳақида қўллаб-қувватланди.

Қўриб чиқилган барча масала атрафида қўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Экологик ҳолатни яхшилашда шахрлар меъморий қиёфаси ва пиёдалар учун ёзда керакли сояни таъминлаш режимига фаол таъсир кўрсатадиган кўчаларни кўкаламзорлаштириш алоҳида ўрин тутди. Шаҳарлар хавосини тозалашда яшил майдонларнинг ўрни катта. Ўрта катталидаги дарахт 24 соат ичида уч киши нафас олиши учун етарли бўлган кислородни тиклайди. Автомобиль чиқинди газлари ҳам атраф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра автомобиль бир соат ичида бир киши 38 кун давомида нафас оладиган кислородни истеъмол қилади.

Атмосфера хавосининг газ таркибини шакллантириш ўсимлик дунёсида бевоқифа боғлиқ: ўсимликлар хавосини инсон саломатлиги учун фойдали бўлган кислород билан бойитиш, карбонат ангидридди ютади. Яшил ўсимликлар иқлимни юмшатади. Яшил майдонлар чанг ва захарли моддаларни ўзлаштириши билан бирга тупроқда чиридан ҳосил бўлишида иштирок этади, бу эса унинг унумдорлигини таъминлайди.

Саноат ва транспортнинг йирик аҳоли пунктларида тўпланиши шахр атраф-муҳитининг экологик ҳолати ва фуқароларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд вазиятни тўғрилашда яшил майдонларнинг аҳамияти катта. Дам олиш ва декоратив-бадий функциялари инсон асаб тизимига юки қамайтиришга ёрдам беради, аҳоли пунктнинг эстетик

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШ ВА КЕЛГУСИ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

табиатга оқилана муносабатдан бошланади

Маълумки, шахрлар, қишлоқлар ва саноат марказлари хавосининг санитария-гигиеник ҳусусиятларини яшил майдонлар орқали яхшилаш масалалари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг халқаро узоқ муддатли “Инсон ва биосфера” дастури назорати остида.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари учун экологик вазият, айниқса, йирик шахрларда алоҳида мавзу бўлиб, барча даражадаги расмий органлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа аҳоли қатламларнинг эътиборини тортмоқда.

Нуқтаи назар

даги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама-си юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар йили 200 млн. туп дарахт ва бутта экиб, яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсади белгиланган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга етди. Бу йил баҳорда 138 млн. туп кўчат экилди. Йил бошидан буюн 10 минг гектардан зиёд “Яшил белбоғ”, вазирлик ва ҳокимликлар томонидан 257 та боғ барпо қилинди. Оролбўйида яшил қоплама 2 млн. гектардан ошди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган муҳим масалалар қаторида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш учун экилган кўчатларнинг кўқарувчанлигини таъминлаш, бунинг учун дарахтларни томчилатиб сугориш тизимини тақомиллаштириш ва ушбу йўналишдаги илгор технологияларни жорий этиш вазифалари белгиланди.

Ҳақиқатан ҳам, экилган кўчатларнинг яшовчанлигини оширишда бошқа кўллаб омиллар қатори уларни сув билан таъминлаш муҳим. Лекин мамлакатимизда сув ресурсларининг чеклангани ва танқислигини назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, энг тўғри йўл — бу сугоришнинг тежамкор техноло-



гияларини, жумладан, томчилатиб сугориш технологиясини қўллаш. Томчилатиб сугориш қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилаётган нисбатан янги сугориш усули бўлиб, бунда маҳсус фильтрлар ёрдамида тозанланган сув томчилаткичлар орқали томчи шаклида тупроққа берилиб, ўсимликнинг илдиз тизими энг кўп тарқалган тупроқ қатламни локал намиктиришга эришилади. Шунингдек, томчилатиб сугориш тизими конструкциясини худуд иқлими, рельефи, тупроқ, гидрогеологик, геологик ва хўжалик шароитлари ҳамда сугориш сувининг сифатини эътиборга олган ҳолда танлаш зарур.

Томчилатиб сугориш кўп йиллик ўсимликларнинг илдиз зонасини аниқ сув билан таъминлашга ёрдам беради. Бунинг ёрдамида намикнинг ҳаддан ташқари бўлганини содир бўлмайди, бу эса сугориш орасидаги даврларда илдиз тизимнинг қуриб кетишига йўл қўймайди. Ушбу усул

билан сугорганда қатқалоқ пайдо бўлмайди ва тупроқ юмшоқлигича қолади, бу кислороднинг тупроққа ва илдиизларга кириб боришини оsonлаштиради. Томчилатиб сугориш ўсимликларнинг илдиз тизимига тўғридан-тўғри чекланган миқдордаги сувни бир хилда етказиб беришга асосланган сугориш усулларидан биридир. Ушбу усулдан фойдаланиш бизга керакли ҳароратда ва керакли ўлчамдаги сувни етказиб бериш имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь кун қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилана фойдаланиш ҳамда йўқотишларни қамайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бугунги дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бораётгани айтилиб, минтақамизга сув танқислиги хавф солаётгани таъкидланди. Шу боис юртимизда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, бу неъматни асраш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Таъкидланганидек, келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 млн. сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам бўлади. Бошқа худудларда ҳам лазерли текислаш кенгайтирилади. Президентимиз сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишининг бирдан-бир йўли рақамлаштириш эканини ўргулади. Насос станцияларига онлайн назорат ва “ақли” сув қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинандиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қилидиган ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби ўта мураккаб.

Шу боис вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади. Мутасаддиларга сув хўжалигида 2030 йилгача бўлган энг муҳим лойиҳалар дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Дарҳақиқат, сув — бу ҳаёт манбаи ва тирик мавжудотлар учун энг зарур ресурслардан бири. Бироқ дунё бўйлаб сув таъминотида нисбатан босим ортиб бормоқда, кўплаб худудларда обихаёт танқислиги муаммоси мавжуд. Бебаҳо неъматни тежаш нафақат келажак авлодлар учун, балки ҳозирги куннинг ҳам долзарб масаласи ҳисобланади.

Сув таъминоти давлат иқтисодиёти учун муҳим ўрин тутди, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида. Сув тежаш технологиялари ва самарали сугориш тизимлари орқали қишлоқ хўжалигида кўпроқ ҳосил олиш мумкин, бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди. Саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларга босимни қамайтиради.

Давлат даражасида сувни тежаш, бу — стратегик аҳамиятга эга масала бўлиб, у иқтисодий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик, миллий хавфсизлик ва экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Сувни тежаш сиёсатини шакллантириш ва уни изчил амалга ошириш давлат томонидан қўлланиладиган самарали чора-тадбирларга боғлиқ. Бу келажакда сув ресурсларини асраш ва аҳолини барқарор таъминлашга ёрдам беради, шунингдек, давлатнинг миллий ва халқаро миқёсда муваффақиятли ривожланишида асқатади.

Зеро, сувни тежаш ҳар бир инсоннинг масъулияти бўлиб, бу экологик барқарорлик ва иқтисодий юксалиш учун зарур. Сувни тежаш орқали нафақат табиатни асраймиз, балки келажак авлодлар учун ҳам бу қимматбаҳо манбаи сақлаб қоламиз. Ҳар биримиз кундалик ҳаётиимизда кичик қадамлар билан бу жараёнга ҳисса қўшишимиз мумкин.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси.

Ижтимоий ҳимоя: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Кейинги йилларда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва янгилликлар мамлакатнинг барча жабҳасида, айниқса, ижтимоий ҳимоя тизимида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ҳаётий ташаббуслари ва кучли сиёсий иродаси билан “Инсон — жамият — давлат” тамойили ҳақиқатга айланди, том маънода давлат органлари халққа хизмат қилишни бошлади.

Ислохотларнинг ҳуқуқий асоси

Шу ўринда мамлакатимизда давлатнинг фуқаролар олдидagi ижтимоий мажбуриятларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинганини қайд этиш жоиз. Хусусан, янги тахрирдаги Конституциямизда энг асосий бурилиш ижтимоий соҳада юз берди. Унга кўра, ижтимоий мажбуриятларга доир нормалар 3 баробар ошди. Айни шу мақсадда Асосий Қонунимизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишининг белгиланган мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислох қилиш зарурлигини таъқозо этди.

Бу борада Президентимизнинг тегишли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси қабул қилинди. Унда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ёрдам дастури билан қамраб олиш даражасини 58,8 фоиздан 98,1 фоизга етказиш, камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолини 17,0 фоиздан 5,0 фоизга қисқартириш, аҳолининг меҳнат бозорида кўрсатиладиган хизматлар билан қамраб олинганлигини 64,2 фоиздан 70,0 фоизга кўтариш, ишсизлик нафақасини олувчилар улушини 5,7 фоиздан 7,0 фоизга ошириш каби ижтимоий ҳимоя соҳасига тааллуқли 11 та мақсадли кўрсаткич белгиланб берилди.

Ижтимоий ҳимоя йўналишида охириги икки йилда 40 тага яқин қонунчилик ҳужжатлари имзоланганининг ўзи ҳам ушбу тизимга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Жорий йил октябрь ойида қабул қилинган “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлаш борасида қатор енгилликлар яратилди. Хусусан, унда ўзгаларнинг парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортдан bepул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Қонун билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларни вақтинча қўйратга олишда ҳам давлат божи ундирилмаслиги назарда тутилди. Шу билан бирга, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат томонидан иқтисодиёт бозоридан олинган uy-joyни уларнинг номига расмийлаштириш учун нотариал ҳаракатларни амалга оширишда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланди.

Мазкур енгилликлар ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган минглаб ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда етим болаларнинг харажатларини қамайтириб, уларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга, ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Манзиллилик ва адолатли таъминлаш — устувор вазифа

Юртимизда аҳолини ижтимоий ёрдам тизими билан қамраб олиш кўлами йилдан-йилга ошириб борилмакда. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунги кунга келиб 2,2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилляпти. Ажратилаётган маблағлар 7 баробар кўпайтирилиб, йилгига 12 трлн. сўмдан зиёдни ташкил этмоқда.

Давлат томонидан сарфланаётган маблағлар кам таъминланган ва огир ахволга тушиб қолган шахсларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қоплашга қаратилган. Аммо авваллари баъзи бир ўзига тўқ фуқаролар томонидан ижтимоий заиф қатламларга мўлжалланган нафақадан фойдаланиши ҳолатлари учрагани ҳам бор гап. Масалан, нафақа олаётган шахслар томонидан хонадонлар, автотранспорт ва бошқа мулклар харид қилиш ҳолатлари кузатилган. Бундан ташқари, маблағларга эришиш учун бир қатор шахслар мол-мулкни қариндошлари номига ўтказиб, ўзини сунъий равишда камбағаллик тоифа-

Ўтган ҳафтада Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам соҳадаги долзарб масалалар чуқур таҳлил қилинди. Галдаги вазифалар белгиланб берилди. Албатта, уларнинг ижроси аҳоли ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш баробарида, кўплаб оилаларни камбағалликдан чиқариш, эҳтиёжманд ёшларни янада қўлаб-қувватлашга кенг имкон яратади.



сига олиб келиб, нафақалардан фойдаланган ҳолатлар учрагани ҳам бор гап. Бу борада айрим маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари томонидан коррупциявий ҳолатлар ҳам қайд этилган.

Жаҳон банки тадқиқотиға кўра Ўзбекистонда 2022 йилда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида нафақа олганларнинг 5,6 фоизи ўзига тўқ ва 12,5 фоизи ўрта ахволдаги оилалар эканлиги аниқланган. Шундан келиб чиқиб, 2022 йилда жами нафақа олувчи оилаларнинг 18,1 фоизи кам таъминланган, деб топишган, аммо ҳақиқатда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлмаган оилалар (шахслар) ҳисобланган.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, ушбу масалада инсон омиллини кескин қамайтириш ва ижтимоий нафақалар эканлиги йилигини ошириш ҳамда уни тайинлашдаги адолатлиликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан аҳолига барча турдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни кўрсатиш юзасидан “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ажборт тизимини ишга туширилди. Бунинг натижасида муҳтож бўлмаганларга асоссиз нафақа тўлашининг олди олинди, қисқарган харажатлар бюджетда қолдирилди.

Мазкур жараёнларга нафақат давлат ташкилотлари ходимлари, балки депутатлар, маҳалла фаоллари, ҳар бир фуқаро масъулият билан қарашли Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг оқилона сарфланиши ва эҳтиёжманд шахсларга манзилли етиб бориши таъминланишида муҳим аҳамиятга эга.

Реабилитация, спорт ва таълим соҳасида янги имкониятлар

Видеоселектор йиғилишида жорий йилда ижтимоий хизмат ва ёрдамни самарали ташкил этиш борасида кўплаб ташаббуслар қилингани алоҳида таъкидланб ўтилди. Бу бўйича аниқ рақамлар ва далиллар келтирилди.

Айтиш мумкинки, шу йилнинг ўзига юз минглаб фуқароларимизнинг даромадлари ошишига, имтиёзли асосда таълим ва сабга эга бўлишига, энг муҳими, бирламчи тиббий ёрдам билан қамраб олинишига эришилган.

Шунингдек, Президентимиз томонидан ҳамма раҳбар ҳам эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаб, даромадини кўпайтириш, уларга манзилли ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишнинг тўғри уюштириш олмаётгани кўрсатиб ўтилгани масъуллар халқимизни рози қилиш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиши зарурлигини аниқлатади. Бу борада биз, депутатлар ҳам сайлов округларидаги масъул раҳбарлар билан ҳамкорлиқни қучайтирамиз, албатта.

Мамлакатимиз раҳбари жорий йил ижтимоий ҳимоя бўйича қилинган 34 та муҳим янгилликка 2025 йилда амалга оширилиши керак бўлган қўшимча 28 та янги ташаббусни илгари суриб, уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация, спорт ва таълим соҳасида янги имкониятлар тақдим қилинаётгани аҳолининг ушбу қатлами-ни бирдек қувонтириши, шубҳасиз.

Биз инклюзив жамият барпо этиш йўлидан дадил одимляяптим. Бу борада қилинаётган ишлар тўғрисида тўхта-ладиган бўлсак, масалан, 2019 йил 1 августдан бошлаб II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар — пенсионерларнинг пенсияларига устам микдори пенсияни ҳисоблаш базавий микдорининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 18 ёшдан катта бола-ликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда базавий ҳисоблаш микдорининг 25 фоизи даражасида қўшимча тўлов жорий қилинди.

2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан кейин каммида 1 йил иш стажига эга бўлса, иш стаж

ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногирон-лик пенсия микдорларини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, ногиронлиги борларга протез ва реабилитация воситалари тури 18 дан 30 тага оширилиб, бу воситаларнинг умумий маблаг 1,5 баробар кўпайди. 100 мингдан ортиқ одамларнинг эҳтиёжи таъминланди.

Ушбу ислохотларнинг узвий давомий сифатида айтиш мумкинки, эндиликда ногиронлиги бор инсонлар учун реабилитация хизматларини янада ривожлантириш мақсадида ҳар бир вилоят ва туман шифохоналарида реабилитация хизматлари йўлга қўйлади. Келгуси йили 12 та реабилитация маркази доирасида эрготерапия, физиотерапия ва даволаш-гимнастика хизматлари қамрови 5 қарра оширилиши натижасида ногиронлиги бор фуқароларнинг соғлигини тиклаш ва уларга умумий реабилитация хизматлари кўрсатишда муҳим ўзгаришлар бўлади.

Албатта, давлатимиз томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратилаётгани сабабли улар спорт бўйича жаҳон майдонларида оқори натижаларни кўлга киритмоқда. Масалан, яқинда Париж шаҳрида ўтказилган Паралимпия йўналишида Ўзбекистон вакиллари 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза медалларини кўлга кири-тиб, умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллагани эътиборга молик.

Эндиликда халқро андозалар асосида ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт турлари ҳам кенгайтирилиши, уларнинг бунга лаёқати касалик ту-рига қараб автоматик белгиланиши натижасида спорт билан шуғулланишга йўлланма олиши мумкин бўлган шун-дай шахслар сони 286 мингдан 440 мингга ошди.

Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг таълим олиши конституциявий ҳуқуқи эканлиги сабабли ногиронлиги бор бо-лаларга ҳам эркин ва сифатли таълим олиши учун муносиб шароитлар яратиб берилмоқда. Бу борада келгуси йили ҳам 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна 1 800 нафар ногиронлиги бор бола ўқитиш учун шароит яратилиши, ҳаракати чекланган бола-ларга мактабга келиб-қетиш харажати-нинг 75 фоизини қоплаш тизимини жо-рий қилиш ва натижада 15 минг нафар ногиронлиги бор болани таълимга жалб этиш вазифаси қўйилди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида бош мезон

Ҳаётий ва халқчил ташаббуслар халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамият-лидир. Шу маънода, сўнгги икки йил давомида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини қайта кўриб чиқиш ва янада тақомил-лаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, парламентимиз фаолияти ҳам ижтимоий давлат тамойилини қўлаб-қувватлашга йўналтирилган. Хусусан, биз, депутатлар ҳам ишмизини айнан шу мақсадга йўналтиришга тайёرمىз.

Видеоселектор йиғилишидан сўнг ушбу йўналишдаги фаолиятимизни қайта кўриб чиқдик. Миллий қонунчи-лик базасини депутатларимиз, олимлар, экспертлар, соҳанинг етук мутахассис-лари иштирокида тўлиқ хатловдан ўтқа-зиш ишларини бошлаб юбордик.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши қарори билан камбағалликни қисқарти-риш борасидаги ишларнинг ҳузулини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тўзалиб, алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқил-ди. Белгиланб берилган устувор вазифа-лар ижроси тегишли давлат бошқару-ви органлари томонидан сифатли амалга оширилишида парламент назор-ати доирасидаги фаолиятимизни янада қучайтирамиз, албатта.

Яқинда Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган мажлисда давлатимиз раҳбари “олдинги қадириқ дaвpидaгиди тор доирaли парламент назорaтидaн энди кeнг қўламли, сифaтли нaзорaт тизимигa ўтиш зaрур”, дeгaн эди. Шун-дай экaн, бaрчaмиз биргaлиқдa иш олиб бoрсaк, юртимизнинг ижтимоий бaркaрoрлиги вa aҳолининг фaрoвон ҳaётини тaъминлaшдa сaлмоқли нaтижaларгa эpишaмиз.

Мавлудaхoн ХЎЖAЕВA, Олий Мажлис Қoнунчилик пoлaтoсиси Спикeри ўринбocapи.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Яқинда Президентимиз раислигида маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар сарҳисоби ва 2025 йил учун устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодий ривож ва халқимиз фаровонлиги учун муҳим масалалар кўтарилди.



Ёдимизда, давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунлариданоқ ҳар бир раҳбарга одамларнинг олдига бориб дардини эшитиш, муаммосини жойида ҳал қилиш вазифасини қўйганди. Бу талабнинг ижобий натижасига йиллар давомида турли соҳалардаги фаолиятини гувоҳ бўлганм. Биргина банк тизимида уйма-уй юрилиб амалга оширилаётган ишлар натижасида одамларнинг даромади сезиларли ошди.

Раҳбарларга қўйилган бу талаб ҳали ҳам сусайгани йўқ. Президентимиз ҳар бир раҳбарга қарата “Қаътий оғохлантираман — маҳаллага тушиб, одамларимиз ва тад-

биркорлар муаммосини ҳал қилмаган раҳбар ишламайди. Ҳамама ўзгариши керак”, дея таъкидлади.

Йиғилишда 2025 йилда 5 миллиондан зиёд аҳолини даромадли қилиш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш маҳаллабай ҳисоб-китоб қилингани айтиб ўтилди. Бу мақсадга эришиш учун ҳудудларнинг иқтисодий секторлар иш тизими ва ёндашувларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Худудларда ҳоким ва банкларнинг ижобий тажрибаларини кенгайтириш, муаммоларни ҳал қилиш бўйича 40 дан ортиқ тақлиф ва ташаб-

буслар ишлаб чиқилгани таъкидланди. Шу асосда ҳокимлар, сектор раҳбарлари, республикадан тортиб то маҳаллагача бўлган масъулиятли мутасаддиларга тегишли вазифалар топширилди.

Албатта, биз, сенаторлар — халқ вакиллари ҳам ўзимизга керакли масалаларни белгилаб олдик. Ҳар бир йўналиш, жумладан, камбағалликни қисқартириш тизимида ҳам маҳаллий Кенгашлар билан бирга маҳаллага ҳар бир депутат масъул қилиниб, тизимли ишларни амалга ошириш чоралари кўрилмақда. Бу борада “Сенат — маҳаллий Кенгаш — “маҳалла еттичилиги” ҳамкорлиги тизимида фойдаланган ҳолда аҳолининг томорқадан даромад топиши, ўз бизнесини, кичик тадбиркорликни йўлга қўйиши ва иш ўринларини яратишига кўмаклашилмоқда.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ҲАМ НАЗОРАТ, ҲАМ КЎМАК

Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланб ўтказилган йиғилишда узоқ йиллар давомида ечим топмаган, шу билан бирга, энг оғриқли ва ниҳоятда долзарб масалалар кўтарилди.



Аввало, шуни айтиш керакки, Президентимиз давлат раҳбари сифатидаги илк фаолиятидан бошлаб халқимизнинг огирини енгиллаштирадиган муҳим қарорларни қабул қилишда барчамизга қўлак бўлаётди. Айтиш мумкинки, ижтимоий ҳимоя масаласи бу ишларнинг энг аввалидан бўлган инсонлар яшовчи оилалар бор, лекин уларнинг ҳолидан фақат байрамларда хабар олиниб келинган. Кези келганда, бунинг ҳам ақарияти номигагина амалга оширилганини тан олишимиз жоиз.

Дарҳақиқат, сўнгги етти йилда ижтимоий ҳимоя тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон янги тахрирдаги Конституцияда ижтимоий давлат сифатида

эълон қилинди ва энг муҳими, Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимоянинг ҳар бир жабҳасини тўлиқ ривожлантириш мақсадида ягона тизим ишлаб чиқилди — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги иш бошлади.

Биламизки, ижтимоий ҳимоя тизими катта маблағ талаб этади. Ва айни дамда бу маблағлар қайта айланиб, ўзини қопламайди ҳам. Бутун дунёдаги иқтисодий инкирозлар даврида давлат раҳбарининг ўз халқини уйлаб амалга ошираётган бундай ишлари эса жуда катта масъулият ва сиёсий иродани талаб этади. Шу боис ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонунда ижтимоий ҳимоя мезонларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтказилган селектор йиғилишида кўйи бўгиндан тортиб, катта-кичик раҳбарлар, парламент аъзолари ва сенаторлар-

га ҳам шундай вазифалар қўйилдики, демак, ҳар бир саъй-ҳаракатимизда, ишмизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласи алоҳида эътиборимизда туриши шарт.

Ҳозирги кунда 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун фуқароларимиз туғилганлик, ногиронлик, пенсия, талаба-лик гувоҳномаси, банк картаси каби 10 дан ортиқ ҳужжатларни кўтариб юришга мажбур. Президенти-миз бундай оворагарчи-ликка чек қўйиш вақти келганини таъкидлаб, барча ҳужжатнинг ўрнини босадиган битта — ижтимоий карта жорий этили-шини эълон қилди.

Ижтимоий карта орқали автобус ва метрода bepул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатларига компенсация олиш мумкин бўлади, нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу картага тушади. Бу тизим келгуси йилнинг 1 июлигача Тошкент шах-

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, ҳорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ИПОТЕКА ЭЛЕКТРОН ГАРОВ ХАТИ

уй-жой таъминотидаги кўплаб оворагарчиликларга барҳам беради

Ипотека кредити — жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида биз учун долзарблигича қолмоқда. Чунки аҳолининг уй-жой сотиб олишга талаби ўсиб бораётган бир пайтда тижорат банклари уни молиявий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаши лозим.



Бугунги кунда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари, асосан, ҳукумат томонидан жойлаштирилган ресурслар ва ўз маблағлари ҳисобидан ажратилляпти. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Ўзбекистон ипотека-ни қайта молиялаштириш компа-нияси” АЖ ташкил этилди, унга ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш, умуман, ипотека-нинг замонавий бозорини яратиш вазифаси юклатилди. Бу борада салмоқли ишлар қилинди ҳам. Хусусан, бугунги кунга қадар 18,8 минг нафар фуқаронинг 3,7 триллион сўмлик ипотека кредитлари қайта молиялаштирилди.

Бироқ бу масалада юзага келган ва келаётган жуда кўплаб ҳолатлар қонунчиликдаги нормаларда акс этмаган. Шу сабабли, бюрократик тўсиқлар ипотека кредитидан фойдаланишда қозғобозлик ва бошқа низоларни келтириб чиқаряпти. “Ипотека тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимча-

лар айнан ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Ипотека электрон гаров хати ипотека кредити олган шахс ва берган банк, шунингдек, ипотека кредитини гаровга олганлар ўртасидаги муносабатларини тартибга солади. Гаров хати рўйхатдан ўтказилганда унинг муомала йўллари рақамлаштирилади. Гаров хатини бошқа шахсга берганда ипотека кредити бўйича талаб ҳуқуқи автоматик равишда ушбу шахсга ўтади. Бунда кредит ва ипотека шартномаларига нотариал тартибда ўзгартириш киритиш ҳамда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди.

Шуни айтиш керакки, электрон гаров хати орқали уй-жойни бошқа шахсга расмийлаштиришда ҳозирда мавжуд бўлган кўплаб муаммоларга йўл қўйилмайди. Чунки унда айнан келгусида мажбуриятни бўйинга оладиган, ўзаро муносабатларда тўловларнинг қонуний амалга оширилишини таъминлайдиган бадал бўлиб, улар нотариал тартибда тас-

дикланиб боради ва ортиқча қозғобозлик талаб этилмайди.

Гаров хатини бошқа шахсга ўтказиш фуқаро учун ипотека кредити шартларини ўзгартирмайди ҳамда унга бошқа қўшимча мажбуриятлар юкламайди. Фақат кредит бўйича тўловларни қабул қилувчи шахс ўзгариши мумкин. Дарвоқе, кейинчалик банк гаров хатларини таъминот сифатида ишлатиб, бошқа молиявий институтлардан ҳам қарз маблағларини жалб этиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, гаров хатини он-лайн тартибда ёки давлат хизматлари марказларига бориб расмийлаштиришда харажат ҳамда вақт тежаллади. Ваҳоланки, айни пайтда бундай ҳужжатни расмийлаштириш учун томонларнинг шахсан қатнашиши, кадастр органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиши талаб этилади.

Демак, ипотека электрон хати бундай жараёнларни соддалаштиришга, аҳолига қулай шароит яратишга қаратилган. Айни чоғда мулк бўйича мавжуд юкломалар ҳақида ҳолис ва аниқ маълумотларга эга бўлиш имконини яратиб, самарали қайта молиялашга тўсқинлик қилувчи ҳолатларга барҳам беради. Бу ҳолат кредит бераётган банкнинг ҳам, кредит олаётган фуқаронинг ҳам ҳуқуқларини кафолатлайди.

Шавкат ШАРИПОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мисрдан Ўзбекистонга «С» гепатитига қарши дори воситаларини етказиш қайта йўлга қўйилди.

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШИШ УЛКАН САВОБ

Президентимиз йиғилишда таъкидлаганидек, юртимиз ҳудудларида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, маҳаллаларда 102 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилди. Уларнинг ходимлари уйма-уй юриб, шу чоқча реестрга кирмаган яна 95 минг нафар муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. Хусусан, ётиб қолган 4 минг нафар ёлғиз кекса аниқланиб, ўз уйларида парваришга олинди. Ногиронлиги бор 5 минг нафар бола махсус боғча-мактабларга жойлаштирилди.

Мана шундай ажру савоби улкан ишлар қалбимизга қувонч улашибгина қолмай, ҳар биримизни фикр-мулоҳаза юритишга, мушоҳадага ундаши табиий. Аллоҳ таоло биз, бандаларига қўли очик, хайр-саховатли бўлишни буюриб, муҳсинларни севishiни баён этган: “Аллоҳнинг йўлида нафақа қилинг. Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг. Эҳсон қилинг. Албатта, Аллоҳ эҳсон қилувчиларни қўш қўради” (Бақара сураси, 195-оят). Ҳақиқатан, бундай ҳислатга эга бўлиш улғу фазилат. Зеро, банданинг ризқига барака кириши, зиёда бўлишида унинг эҳсони, хайру саховати муҳим ўрин тутadi.

Бугун мамлакатимизда аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахс-



ларга доимий ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса юртимизда инсон қадри улғу эканини англатади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган кишиларга ёрдам кўрсатиш катта савоб, аксинча, уларнинг ҳаққига ҳиёнат қилиш оғир гуноҳдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши халқимиз қалбидagi эзгу иш бўлди. Агентлик оғир ижтимоий ҳолатга тушган ва тушиб қолган бўлган аҳоли билан манзилли ишлаётгани, хайру эҳсонларни ўз эгаларига етказиб бериш одамларнинг кўзига ёш келтирмоқда, қалбига хурсандчилик улашмоқда. Мана шундай меҳрга муҳтож кишиларнинг дуоси билан юртимиз янада обод бўлади ва олдинга қўйилган режалар амалга ошади.

Шу ўринда мазкур йўналишларда Ижтимоий ҳимоя миллий

агентлиги билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва “Вақф” хайрия жамоат фонди доимий ҳамкорлик қилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислом дини манбаларида ногиронлиги бор одам сабр ила ҳаёт синовларини матонат билан енгиб ўтса, улғу мукофотларга ноил бўлиши ривоят қилинган. Анас розияллоху анҳудан айтилган ривоятда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бундай марҳамат этганлар: “Аллоҳ азза ва жалла: “Агар бирор банданинг икки кўзини шикастласам, у банда бунга сабр қилса, Мен эвазига жаннат билан тақдирлайман”, деди” (Имом Бухорий ривояти).

Таъкидлаш керакки, мурувват кўрсатиш билан мол-дунё камайиб қолмайди, балки унга барака ки-ради. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “Уч нарсага қасам ичман: банданинг моли садақа қилиш билан қамайибди. Бандага бирор зулм қилинганда сабрли бўлса, Аллоҳ унинг иззат-шарафини оширади. Банда тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очадир”, дедилар (Имом Термизий ривояти).

Бу билан Набий алайҳиссалом ҳам биз, умматларини саховатли бўлишга ундамоқдалар. Ҳеч қим молим қамайиб қолади, деган

хаёл билан хайр-эҳсон қилишдан тийилмаслиги лозим. Мол-дунё кўпайишига сабаблардан бири ўз вақтида унинг закотини бериш баробарида фақир ва муҳтожларни қўллаб-қувватлашдир.

Бойнинг молида miskinнинг ҳаққи бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом айтидилар: “Хар кун тонгда инсонлар уйқудан уйғонганларида ер юзига икки фаришта тушади. Улардан бири: “Аллоҳим, инфоқ-эҳсон қилган инсоннинг моли ўрнини тўлдир”, деса, иккинчиси: “Аллоҳим, зикна одамнинг молига талафот етказ”, деб дуо қилади”. (Муттафақун алайх)

Қуръони каримда: “Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар” (Аъроф сураси, 31-оят), деб огоҳлантирилади. Дунё ҳаётида баъзи инсонлар қилётган ишларни кўриб, таажжубда қолсан киши. Аллоҳ таоло уларга қўп мол-мулк берган бўлса-да, уни турли исрофгарчиликка, дабдаба-бозликка, ҳашаматга сарфлаша-

Йиғилишда белгиланган устувор вазифалар аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ҳимоя механизмларини такомиллаштиришга замин яратди. Энди давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами бундан-да кенгайди. Жамиятда аҳолига қўмакнинг янги даражага кўтарилиши оилалар фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади, инша Аллоҳ!

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

Ифтихор

ҲУМО ҚАЛБИНГГА ЁР БЎЛСИН!

Дунё аҳлини лол қолдирган матонатли ўзбек аёли, «Мардлик» ордени соҳиби Дилором ЙЎЛДОШЕВАга

Дилором, дилда орому қувончинг беғубор бўлсин, Сенингдек марди майдонлар бу олам ичра бор бўлсин.

Ҳамал йўлинда пояндоз тўшаб борлиққа айтар роз, Топибсан эл аро эъзоз, Ҳумо қалбингга ёр бўлсин.

Силаб қирқ кокилинг хандон, қуёшдек товланар Сурхон, Буюк «Мардлик» деган унвон, адолатли қарор бўлсин.

Турар қафтингда қирқ жонинг, бериб қирқ қизга имконинг, Учиб дунёга достонинг, ўзингдек бахтиёр бўлсин.

Бўлиб тинчликнинг йўлдоши, кезар юрт ичра Юртбоши, Севинчдан кўзларинг ёши сочилганда баҳор бўлсин.

Ҳануз кечмас ҳиёнатдан, чиқиб дину диёнатдан, Сабоб олсин матонатдан, вафосизларга ор бўлсин.

Ватан ишқингда парвона, аё, эй қалби пок она, Қадам қўйганда мардона, дилингда лолazor бўлсин.

Менинг бошимда посбоним, муқаддас Ўзбекистоним, Ярашган давру давроним, юракда ифтихор бўлсин.

Ясангай қалбимиз боғи, ғазаллар ишқнинг япроғи, Ҳаётнинг меҳру ардоғи, тўйингда дастийёр бўлсин.

Азиз тупроқда жоним бор, ёниб севган маконим бор, Тузгамас имтиҳоним бор, йўлингда иштигор бўлсин.

Бу кун Ахтамқули, дунё турар қил устида гўё, Жаҳон аҳли чекиб имзо, замонам барқарор бўлсин.

Ахтамқул КАРИМОВ,
шоир.

СПОРТ хабарлари

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан хабар беришларича, Бахрайн пойтахти Манам шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди.

Дунёнинг 92 мамлакатидан 500 га яқин атлетлар иштирокида кечган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларга сазовор бўлди. Яқунда вакилларимиз медаллар жамғариши бўйича умумжамоа ҳисобига тўртинчи ўрнини қўлга киритди.

Эътиборлиси, 109 килограммгача спортчилар чиқишида юртимизнинг таъкили ва маҳоратли оғир атлетикачиси Руслан Нурудинов штангани даст кўтаришда 182 кг., силтаб кўтаришда 242 кг. натижани қайд этиб, уч йил аввал Тошкентда ўзи ўрнатган жаҳон рекордини янгиллади ва олтин медални қўлга киритди. Эътиборлиси, унинг умумий ҳисобда қайд этган 424 кг. натижасини ҳеч бир атлет ўзгартира олмади ва



у учинчи бор икки кураш натижасига кўра жаҳон чемпиониликка эришди. Шунингдек, ушбу вазн тоифасида штангани даст кўтаришда Шарофидин Амриддинов 184 кг. натижа билан олтин медалга сазовор бўлди. 81 килограммгача вазн тоифасида Муҳаммадқодир Тоштемиров даст кўтаришда кумуш, икки кураш якунига кўра бронза, 89 килограммгача вазнда Сарварбек Зафаржонов даст кўтаришда бронза медалга эга чиқди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК: ҚИЗЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Венгриянинг Будапешт шаҳрида қизлар ўртасида қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон кубоғи мусобақалари бўлиб ўтди.



Яккалик йўналишда кечган беллашувларда “Ханчжоу — 2022” ёзги Осиё ўйинлари ғолиби Гулистан Пердибаева кумуш медалга сазовор бўлди. Ҳамортимиз финалда хитойлик Суэйи Раога имкониятни бой бериб қўйди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ЧАРМ САНОАТИНИНГ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАРИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Барча саноат тармоқларида бўлгани каби Ўзбекистон чарм саноати охириги йилларда муҳим экологик ўзгаришлар ва инновациялар билан боғлиқ янгиликларга эришди. Бунга асосий сабаблардан бири — янги экологик талабларга жавоб берадиган ва глобал бозорларда рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган ишларнинг фаоллашганидир.

Шулардан бири — Ўзбекистоннинг “LWG” (Leather Working Group) сертификатини олиш жараёни бўлиб, бу мамлакат чарм саноатининг экологик барқарорликка интилишидаги устуворлигини англатади.

Ақбар СУЛТОНОВ,
“Ўзчармсанот” уюшмаси раиси:

— “LWG” сертификати — бу чарм саноатининг экологик талабларини қондирган ва ишлаб чиқариш жараёнида барқарорликни таъминлашга интилаётган корхоналарга бериладиган халқаро стандарт. Ушбу сертификат, авваламбор, чарм ишлаб чиқаришда юзага келган чиқиндилар, химикатлар ва сарфланган ресурсларнинг экологик таъсирини минималлаштиришга қаратилган тадбирларини ўлчайди. “LWG” сертификатини олиш чарм ишлаб чиқарувчиларга экологик масалалардаги масъулиятни билдириб, уларнинг юқори сифатли ва барқарор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилишини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг чарм саноатида экологик инновацияларни жорий этиш бўйича бир неча муҳим қадамлар амалга оши-

рилди. Хусусан, чиқиндиларни қайта ишлашга, зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишни қамайтириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ ишлар урдаланди.

Мисол учун, кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ўзининг чиқиндиларини қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришда, бу эса чиркланган сувни қамайтириш ва энергия сарфини пайсатиришга ёрдам беради. “LWG” сертификатини олиш нафақат экологик барқарорлик, балки Ўзбекистоннинг чарм саноати учун иқтисодиёт ва маркетинг жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, аввало, экологик стандартларга риоя қилиш орқали халқаро бозорларда ўз ўрнини мустақамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг “LWG” сертификатини олиши, мамлакат чарм саноатининг гло-



Айнан шу мақсадда Ўзбекистон чарм саноати соҳасида “LWG” сертификатини олиш жараёнида замонавий экологик технологиялар ва инновациялар “eco-friendly” тарзида ташкил қилинади. Яъни у чиқиндиларни қайта ишлаш ва энергияни тежаш каби соҳаларда қўлланади. “Яшил” технологиялар ва барқарор ишлаб чиқариш устида ишлаш мамлакатнинг иқтисодий ривожини учун мураккаб, лекин муҳим босқич бўлади. Ҳар бир тадбиркор экологик барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилиши, шунингдек, бутун саноатни янги стандартларга мослаштириши керак. Айни йўналишда “Ўзчармсанот” уюшмаси ва соҳа корхоналари бу жараёнларнинг янги босқичига қадам қўйган.

бал бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишга катта таъсир кўрсатади. Чунки бу сертификат халқаро бозорларда юқори экологик стандартларга риоя қилишни, қайта ишлаш технологияларини ва экологик барқарорликни эътиборга олишни белгилайди. Шу билан бирга, сертификат эга бўлган корхоналарнинг маҳсулотлари истеъмолчиларнинг янада эътиборига сазовор бўлади ва уларнинг талабига жавоб беради.

Ўзбекистон чарм саноати корхоналарида халқаро сертификатни жорий қилиш мақсадида дунё экспертлари тақлиф этилиб, бу ишларни янада жадаллаштириш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатилди. Халқаро экспертлар бу борада Ўзбекистоннинг саёй-ҳаракатларини мамлакат келажаги учун муҳим жараён, дея баҳоламоқда.

Митеш ВЕРМА,
халқаро эксперт:

— Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чарм саноати корхоналари томонидан “LWG” сертификатини олишга бўлган интилиш, энг аввало, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатнинг имижини яхшилашга хизмат қилади. Боиси, “LWG” сертификати бу халқаро бозорда тан олинганлик даражасидир.

2024 йилнинг декабрь ойига қадар халқаро ташкилотнинг аудиторлик ва консалтинг хизматлари томонидан 50 дан ортиқ корхоналарда аудитолди текширувлари ўтказилди. Натижада 2025 йилнинг мартда 10 та корхона “LWG” сертификатини оладиган бўлади. 2026 йилда ҳам қолган корхоналарга бу сертификатни бериш жараёни давом эттирилади.

Көлаверса, бу жараёнга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экологик тажрибаларни қўллаб-қувватловчи давлат ҳамда хусусий сектор ҳам қизиқиш кўрсатаётганини кўриш мумкин. Республикадаги қатор ташкилотлар, жумладан, пойабзал ва чарм ишлаб чиқарувчи корхоналар бу сертификатни олишга интилимда.

Келишувга асосан, “MSS” Ўзбекистон корхоналарига нафақат “LWG” сертификатини олиш, балки ишлаб чиқариш жараёнларини сифатли ва экологик жиҳатдан барқарор ташкил қилишга ҳам ёрдам беради. Бунинг натижасида Ўзбекистон чарм саноати глобал бозорда муваффақиятли рақобатлашиш имконига эга бўлади.

2025 йилда “LWG” сертификатини олувчи номзод корхоналар:

1. “Peng Sheng Charm” MCHJ QK — Сирдарё вилояти;
2. “Hamkor Nur Savdo” MCHJ — Тошкент вилояти;
3. “Premium Leather” MCHJ — Фарғона вилояти;
4. “Angren Charm Invest” MCHJ — Тошкент вилояти;
5. “Top Quality Brand” MCHJ — Сурхондарё вилояти;
6. “UzTurk Charm” MCHJ — Жиззах вилояти;
7. “Gold Leather Export Import” MCHJ — Наманган вилояти;
8. “Nafis Jozibasi” — Наманган вилояти;
9. “Uikan Laziz” MCHJ — Тошкент шаҳри;
10. “Antik Asl Charm” MCHJ — Наманган вилояти.

«Ўзчармсанот» уюшмаси.

Қирғиз Республикасида «Қирғиз — ўзбек дўстлиги» музиқий кечаси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақрир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.40 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6